

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВА СЕВАРА ЭРГАШЕВНА

«АНАЛФЕНОН» ТАБЛЕТКА ВА КАПСУЛАСИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Равшанова Севара Эргашевна

«Аналфенон» таблетка ва капсуласи технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Равшанова Севара Эргашевна

Разработка технологии таблеток и капсул «Аналфенон».....21

Ravshanova Sevара Ergashevna

Development of the technology of tablets and capsules «Analfenon».....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВА СЕВАРА ЭРГАШЕВНА

«АНАЛФЕНОН» ТАБЛЕТКА ВА КАПСУЛАСИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Far46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Юнусова Холида Маннановна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Искандарова Шохиста Фехрузовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор
Халилов Равшанжон Муратджанович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 5 » 05 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » 04 кунни тарқатилди.
(2021 йил « 15 » 04 даги 17 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оғрикни ўрганиш бўйича халқаро ассоциация ҳисоботида кўра, 2019 йилда анальгетиклар дунё фармацевтика бозорида нафақат энг кўп реализация қилинган, балки бир вақтнинг ўзида оғрикни қолдириш мақсадида турли таъсир этиш механизмларига эга бўлган препаратлар биргаликда қабул қилинган. Шунинг учун маҳаллий фармацевтика корхоналарида турли таъсир механизмига эга оғриқ қолдирувчи фаол субстанцияларни сақлаган комбинирланган препаратларни ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида турли агрегат ҳолдаги дори турларини яратиш, уларни ножўя таъсирини камайтириш, комбинирлаш йўли билан биологик самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, анальгетик-антипиретик, спазмолитик ва антигистамин дори моддаларни фармакологик нуқтаи назардан ўзаро мутаносиблигини аниқлаш, уларни битта дори тури таркибига киритишда синергизм масалаларини ўрганиш, фармацевтик омилларни препаратнинг биосамарадорлик даражасига таъсирини белгилаш доирасидаги илмий тадқиқотлар истиқболли йўналишлардан биридир.

Республикамизда бугунги кунда аҳолига халқаро стандартларга мос сифатли фармацевтик ёрдам кўрсатиш, дори воситалар ассортиментини ҳам фармакологик гуруҳлар, ҳам қўлланиладиган дори шаклига нисбатан кенгайтириш, юқори биологик самарадорликка эга, хавфсиз дори воситалар билан таъминлаш вазифаларини ечимига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, турли патологияларда юзага келадиган оғрикни енгиллаштирадиган сифатли, фармакологик таъсирини қисқа муддатда намоён қиладиган дори воситалар технологиясини яратиш, турли комбинациялардаги фаол моддаларни биргаликда таъсирини таъминлайдиган ёрдамчи моддалар мажмуасини асослаш бўйича илмий изланишлар устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларни илмий-методологик таҳлил қилиш натижасида таблетка технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида С.М.Махкамов, М.У.Усуббаев, У.М.Азизов, Х.К.Джалилов, З.А.Назарова, Х.М.Юнусова, Ё.С.Кариева каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида анальгетик-антипиретик таъсир кўрсатувчи генерик дори воситаларининг фармакотехнологик жиҳатларини ўрганиш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги етакчи олимлар томонидан олиб борилган: М.С.Солонин, Г.Ф.Гибхарт, Р.Д.Триде, Ж.Ж.Боника, А.Сармон, У.Швайгер, Р.Неннингсен, Н.В. Иванова, А.Л.Марченко, А.Ю.Васильев, Г.П.Вдовина, Т.В.Орлова, И.В.Стасева, И.В.Маев.

Мазкур диссертация иши илк бор анальгетик-антипиретик, спазмолитик ва антигистамин фармакотерапевтик гуруҳига мансуб фаол субстанцияларни комбинирлаб, қаттиқ дори шакли кўринишида яратиш, ҳамда ушбу композицияни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2. «Амалиётга жорий этилган генерик дори воситаларини янги такомиллашган технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метамизол натрий, дротаверин гидрохлорид ва дифенгидрамин гидрохлорид комбинацияси асосида таблетка ва капсула дори турлари таркиби ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анальгетик-антипиретик препаратларнинг маҳаллий фармацевтик бозордаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг асосида объект танлаб биосамарадор дори турларини яратиш;

дастлабки хом ашёларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида таблетка ва капсула шаклидаги комплекс оғриқ қолдирувчи таъсирга эга препаратларини олиш имкониятларини илмий асослаш;

тавсия этилаётган препаратларнинг илмий асосланган, муқобил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ишлаб

чиқариш технологияларининг асосий мезонларини аниқлаш;

тавсия қилинган препаратларнинг таъсир этувчи моддаларининг миқдорий таҳлил усулларини ўрганиш;

тавсия қилинаётган таркиб ва технологияда олинган препаратларнинг фармакотехнологик хоссаларини *in vitro* ва *in vivo* усулларида ўрганиш;

тавсия этилаётган препаратларнинг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини белгилаш;

тавсия этилаётган дори препаратларини тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аналгетик фармакологик гуруҳига мансуб метамизол натрий, спазмолитик таъсирли дротаверин гидрохлорид ва Н₁-антигистамин восита дифенгидрамин гидрохлорид дастлабки хом ашёлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети комбинирланган таблетка ва капсула дори шакллариининг таркиби, технологияси ҳамда сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, яроқлилик муддатларини аниқлаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда гравиметрия, нам донадорлаш, спектрофотометрия, титриметрия, биофармацевтик, фармакологик усулларидан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аналгетик-антипиретик таъсир кўрсатувчи метамизол натрий, дротаверин гидрохлорид ва димедрол дастлабки хомашёлари асосида комбинирланган «Аналфенон» таблетка ва капсула таркиби ҳамда технологияси ишлаб чиқилган;

тавсия қилинаётган оғриқ қолдирувчи таблетка ва капсула дори шакллариининг сифат меъёрлари белгиланган ва стандартлаш усуллари аниқланган;

«Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг биосамадарлиги биофармацевтик нуқтаи назардан *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларида исботланган;

«Аналфенон» таблетка ва капсула дори шакллари кўринишидаги препаратларнинг оғриқ қолдирувчи таъсири ва безарарлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

прессланадиган масса таркибига киритилган ёрдамчи моддалар мажмуаси субстанциянинг технологик хоссаларини ижобий томонга ўзгартиргани исботланган;

тавсия этилаётган комбинирланган «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг мўътадил сақланиш шароити ва турғунлиги аниқланган;

оғриқ қолдирувчи «Аналфенон» комбинирланган таблеткаси учун тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик ва статистик усулларидан фойдаланилганлиги, шунингдек уларни саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оғриқ қолдирувчи таъсирли комбинирланган «Аналфенон» таблеткалари ва капсулаларининг технологиялари бир нечта таъсир этувчи моддани сақлаганлиги сабабли эмпирик усулда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган комбинирланган дори препаратлари иқтисодий жиҳатдан монопрепаратларга нисбатан самарадорлиги ҳамда фаол субстанцияларнинг терапевтик дозаларини пасайиши натижасида ножўя таъсирларини камайишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Аналфенон» таблетка ва капсуласи технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Аналфенон» таблеткаси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (КФМ 42 Уз-15745533-4233-2020) ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олинган (DV/M 03477/09/20). Натижада маҳаллий фармацевтик корхонаси «SAMO» МЧЖ томонидан янги комбинирланган анальгетик-антипиретик таъсирли препаратни ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган;

«Аналфенон» таблеткалари учун тажриба-саноат регламенти «SAMO» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 2072226-08-20). Натижада янги комбинациядаги оғриқ қолдирувчи таъсирга эга дори воситасини ишлаб чиқариш учун меъёрий ҳужжатлар тайёрланган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Аналфенон» таблеткаларининг специфик фармакологик фаоллиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Қўлланилган таъсир этувчи моддалар комбинацияси ишонарли оғриқ қолдирувчи терапевтик таъсир кўрсатиши натижасида янги дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метамизол натрий асосида оғриқ қолдирувчи препаратлар яратиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида метамизол натрий асосидаги препаратларнинг тиббиётда қўлланилиши ва бугунги кундаги ҳолати, оғриқ қолдирувчи препаратлар яратиш муаммолари ва истиқболлари шунингдек, оғриқ қолдирувчи комбинирланган препаратлар яратишнинг муаммолари ва бу муаммоларга замонавий қарашларга бағишланган адабиётлар таҳлили ёритилган. Аҳолини ва тиббий ташкилотларни дори-дармон билан таъминлашни ташкил этувчи фармацевтика мутахассисларининг долзарб муаммоси истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бозор мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган оқилона ассортимент сиёсатини шакллантиришдан иборат эканлиги нуқтаи назаридан адабиётлар таҳлили асосида диссертацияда режалаштирилган тадқиқотнинг долзарблиги кўрсатилган ва тадқиқот вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Дастлабки хом ашёлар тавсифи ва таҳлил усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган дастлабки хом ашёлар ва ёрдамчи моддаларнинг таснифи, қўлланилган асбоб ва ускуналар ҳамда тавсия этилаётган «Аналфенон» таблетка ва капсуласининг сифат ва миқдор таҳлил усуллари келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорини ўрганиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан нонаркотик анальгетиклар ассортименти ва ассортиментини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри ва «Drug Audit» электрон маълумотлар базасидан фойдаланилиб таҳлил қилинди. (2015-2019йй.). Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида маҳаллий фармацевтика бозоридан нонаркотик анальгетиклар ассортименти ўрганилди (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридан нонаркотик анальгетиклар ассортиментининг ўртача қиёсий таҳлили (2015-2019)

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичи анальгетикларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан улушини ўрганишга бағишланди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган препаратлар ассортименти улуши бўйича етакчи фирмалар: таблетка дори шакли бўйича - «Remedy Group» МЧЖ ҚК, «Radiks» ИИЧК, «Узхимфарм» ОАЖ, «Samo» МЧЖ, «Merrymed Farm» ҚК, «Nika Pharm» ДХО, «Farmed Sanoat» ХК, инъекцион эритма бўйича - «Samsun -Tashkent Farm Ltd» ҚК, «Novopharma plus» ҚК, сироп ишлаб чиқариш бўйича - «Remedy Group» ҚК МЧЖ, «Radiks» ИИЧК, «Torimed pharm» МЧЖ, «Dentafill Plyus» ХК, «Nobel-Pharmsanoat» ХК, кукун дори шакли бўйича - «Dentafill Plyus» ХК, «Nobel-Pharmsanoat» ХК, «Nika Pharm» ДХО, «АТМ Pharm» МЧЖ, «Remedy Group» ҚК МЧЖ, капсула ишлаб чиқариш бўйича - «Nika Pharm» ДХО лидерликни кўрсатди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида метамизол натрий асосидаги комбинирланган препаратларнинг ишлаб чиқарилишини маҳаллий, МДХ ва хорижий турлари бўйича улуши ўрганилди (2-расм).



Таҳлил қилинган йиллар

2-расм. Метамизол натрий асосидаги комбинирланган дори препаратларини ишлаб чиқарувчилари бўйича қиёсий таҳлили

Расмдан кўриниб турибдики, маҳаллий фармацевтика бозорида анальгетиклар асосан МДХ ва хориждан келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу дори препаратлар таъминоти бўйича импортга қарам бўлмасдан, уларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш устувор вазифа эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Метамизол натрий асосида комбинирланган препаратларни яратиш борасидаги тадқиқотлар**» номли учинчи бобида «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг таркиби ва технологиясини илмий жиҳатдан асослаш учун дастлабки хом ашё ва аралашманинг технологик хоссаларининг ижобий эмаслиги кузатилди ва бу кўрсаткичларни яхшилайдиган ёрдамчи моддаларни қўшиш зарурлигини кўрсатди. Тўғридан-тўғри пресслаб олинган таблеткалар XIII ДФ си талабларига жавоб бермади.

Кейинги тадқиқотлар нам донадорлаш усулида 20 дан ортик композициялардан таблеткалар олинди (1-жадвал).

Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткалари композицияси

Таркиби		Композиция коди						
		К1	К2	К3	К4	К5	К6	К7
Фаол	Метамизол натрий	0,400	0,40	0,400	0,400	0,400	0,400	0,400
	Дрогаверин гидрохлорид	0,040	0,040	0,04	0,040	0,040	0,040	0,040
	Дифенгидрамин гидрохлорид	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010
Ўрдамчи модда	Аэросил	-	-	-	-	-	-	0,025
	Микрокристаллик целлюлоза	0,020	0,015	-	-	-	-	-
	Лактоза моногидрат	0,025		-	-	-	0,030	-
	Картошка крахмали	-	0,030	-	0,045	-	0,015	0,015
	Глюкоза	-	-	-	-	0,045	-	-
	Сахароза	-	-	0,040		-	-	0,030
	Талк	-	-	0,005	-	-	-	-
	Кальций стеарати	0,005	-	0,005	0,005	-	0,005	0,025
	Стеарин кислотаси	-	0,005	-	-	0,005	-	-
Ўртача оғирлик, г	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	

Тадқиқотларда боғловчи моддалар сифатида 1-3% поливинил-пиролон эритмаси, 2%, 5% ва 10% крахмал клейстери, 30, 50, 70, 96% этил спирти и тозаланган сув кабилар қўлланилди. Олинган натижалардан 5% ли крахмал клейстери муқобил деб топилди (гранулалар таркибидаги модданинг сочилувчанлик даражаси ошди, сочилувчан зичлиги икки баравар кўпайди).

Юқорида келтирилган композициялардан таблетка массаси нам донадорлаш усулида тайёрланиб, прессланувчан массанинг технологик хоссалари ўрганилди.

Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

«Аналфенон» прессланадиган массасининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Ўрганилган кўрсаткичлар	К1	К2	К3	К4	К5	К6	К7
Социлувчанлик, г/с	3,1	1,8	2,6	4,1	2,1	3,4	3,8
Социлувчан зичлик, кг/м ³	475,9	328,6	482,7	601,25	235,8	325,4	352,7
Эркин тушиш бурчаги, градус	26	46	58	36	55	76	78
Прессланиш коэффициенти	2,6	2,9	3,4	2,5	2,6	2,7	3,2
Прессланувчанлик, Н	56	67	59	42	54	58	55
Қолдиқ намлик, %	4,6	2,1	3,2	3,2	4,1	5,1	2,6

Ўрганилган барча композиция прессланадиган массаларидан тўртинчи композициядан бошқалари негатив кўрсаткичларни намоён қилгани кузатилди. К1, К2, К4 ва К7 таблетка композицияларининг ишқаланишга ва нисбатан синишга бўлган қаттиқлиги ва таблетка баландлигининг диаметрига нисбати XIII ДФ талабларига жавоб берди. К3 композициядаги синишга бўлган қаттиқлиги, шунингдек, К3 ва К7 композиция таблеткаларининг ўртача оғирлиги бўйича талабга жавоб бермади.

Бироқ бу четланиш К3 композиция учун -8,0% ва К7 учун 7,8% ташкил қилди. К1, К2, К5, К6 рақамли композициялар парчаланиш вақти руҳсат этилган меъёрдан ошиб кетди ва мос равишда 17, 16, 18 ва 17 дақиқани ташкил қилди. К7 таблеткалари парчаланиш вақти 21 дақиқа бўлди ва меъёрга жавоб бермади. К4 композицияда олинган таблеткалар сифати баҳоланди (3-жадвал).

3-жадвал


Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Ком-позиция коди	Ташқи кўриниши	Ишқала -нишга бўлган қаттиқ- лик, %	Сини шга бўлган қаттиқл ик, %	Таблетка баландли -гининг диамет рига нис бати, %	Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, г	Парчаланув чанлик, мин
К1	Сариқ,ҳидсиз, цилин- дрик шаклли,чизиқ- чали таблеткалар	97,6	62	40	0,491±2,39	17
К2	-//-	78,63	56	38,88	0,498±3,42	16
К3	-//-	98,36	38	37,25	0,420±2,56	10
К4	-//-	99,65	60	36,28	0,498±3,25	5
К5	-//-	87,86	52	37,88	0,503±3,58	18
К6	-//-	75,66	56	39,63	0,502±2,25	17
К7	-//-	99,25	62	35,23	0,539±4,25	21

Технологик жараёни қуйидагича олиб борилди: керакли микдорда ўлчаб олинган метамизол натрий ва дротаверин гидрохлорид субстанциялари диаметри 1000 мкм бўлган элакдан ўрказилиб, керакли микдордаги тўлдирувчи билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган кукун аралашмаси дастлаб дифенгидраминнинг сувдаги 20% ли эритмаси билан, сўнг оптимал масса ҳосил бўлгунча боғловчи модда – 2% крахмал клейстери билан намланади. Нам масса диаметри 2000 мкм бўлган элакдан ўтказилиб, ҳосил бўлган гранулалар пергамент қоғозга юпқа қилиб ёйилиб, қуритувчи шкафта 60-70⁰С ҳароратда оптимал намлик (3,5±1,2) бўлгунча қуритилади. Қуритилган масса диаметри 1500 мкм бўлган элакдан ўтказилиб, қайта грануляция қилинади. Олинган гранулалар колган антифрикцион моддалар аралашмаси билан 10 дақиқа давомида упаланади. Прессланадиган масса 0,5 г оғирликда диаметри 12 мм бўлган қолипда 150-200 МПа босим остида таблетка

машинасида прессланди. Олинган 0,5 г массали таблеткалар диаметри $12 \pm 0,2$ мм, баланлиги $4,1 \pm 0,7$ мм га тенг бўлди.

Тавсия этилаётган К4 таркиб ва технологияда таблеткалар қуйидаги технологик схема асосида корхона шароитида олинди (3-расм).



3-расм. «Аналфенон» таблеткаларини олишнинг технологик жараёни схемаси

Кейинги босқич тадқиқотларда «Аналфенон» капсулаларини технологиясини яратишда ўрганилган таркиблардан бир-бирига яқин кўрсаткичларни

кўрсатган 7 та таркиб келтирилди ва К2 таркиб танлаб олинди.

Тавсия этилаётган композициялар 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

Тавсия этилаётган «Аналфенон» капсулалари композицияси

Таркиби		Композиция коди						
		К1	К2	К3	К4	К5	К6	К7
Фаол моддалар	Метамизол натрий	0,400	0,40	0,400	0,400	0,400	0,400	0,400
	Дротаверин гидрохлорид	0,040	0,040	0,04	0,040	0,040	0,040	0,040
	Дифенгидрамин гидрохлорид	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010	0,010
Ёрдамчи модда	Аэросил	-	-	-	-	-	-	0,025
	Микрокристаллик целлюлоза	0,020		-	0,015	-	-	-
	Лактоза моногидрат	0,025	0,028	-		-	0,030	-
	Картошка крахмали	-	0,017	-	0,030	-	0,015	0,015
	Глюкоза	-	-	-	-	0,045	-	-
	Сахароза	-	-	0,040		-	-	0,030
	Талк	-	-	0,005	-	-	-	-
	Кальций стеарати	0,005	0,005	0,005		-	0,005	0,025
	Стеарин кислотаси	-		-	0,005	0,005	-	-
	Ўртача оғирлик, г	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5

Тавсия этилган композиция билан капсулланган дори шаклини ишлаб чиқариш технологиясини назарий жиҳатдан асослаш учун физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари ўрганилди (5-жадвал).

5-жадвал

Турли хил боғловчи моддалар билан олинган «Аналфенон» грануларининг технологик хусусиятларини ўрганиш натижалари

Боғловчи агент		Сочилувчанлик, г/с	Ишқаланишга бўлган қаттиқлиги, %	Сочилувчан зичлик, г/см ³	Парчаланиши, мин
Крахмал клейстер	2%	3,8 ± 0,2	92,5	0,448 ± 0,027	15 ± 1,2
	5%	4,5 ± 0,1	91,7	0,430 ± 0,052	17 ± 1,8
	10%	3,2 ± 0,2	87,3	0,392 ± 0,085	18 ± 1,1
ПВП	5%	5,5 ± 0,7	99,3	0,375 ± 0,023	15 ± 1,7
	10%	2,9 ± 0,8	99,9	0,352 ± 0,027	16 ± 1,2
Этил спирти	90%	4,2 ± 0,9	98,5	0,425 ± 0,082	12 ± 1,1
	70%	6,1 ± 0,3	98,2	0,493 ± 0,025	10 ± 1,2
	40%	4,5 ± 0,5	98,6	0,452 ± 0,068	15 ± 1,4
Дистилланган сув		3,2 ± 0,5	97,5	0,436 ± 0,031	16 ± 1,6

Олинган натижалардан, К2 таркиб бўйича олинган капсула барча кўрсаткичлар бўйича ижобий кўрсаткичларни намоён қилади. «Аналфенон» капсуласи технологияси қуйидагича олиб борилди: дастлабки хом ашёси

крахмал билан аралаштирилиб, боғловчи агент (дистилланган сув, 2%, 5%, 10% крахмал клейстери, 5%, 10% ПВП эритмаси ва 40%, 70%, 90% этил спирти) билан керакли консистенцияга қадар намланади. Масса катталиги 2 мм бўлган тешикли элакдан ўтказилиб, қуритиш камерасида 60°C ҳароратда 1-1,5 соат давомида қуритилди. Қуритилган гранулар 0,5 мм тешикли элакдан ўтказилди. Боғловчи агент сифатида 70% ва 90% этил спирти ишлаб чиқариш жараёнида яхши сочилувчанлик, юқори каттикликка эга гранулаларни олиш имконини берди. Аммо иқтисод жиҳатдан келиб чиқиб боғловчи сифатида 70% этил спирти танланди, гранулалар калций стеарати ва картошка крахмалининг аралашмаси билан упаланди. «Аналфенон» гранулаларининг технологик хусусиятларидан келиб чиқиб 70% ли этил спирти билан намланган гранулалар сифати талаб даражасида эканлиги кузатилди.

Кейинги тадқиқотларда тавсия этилаётган таркибнинг гранула сочилувчан зичлиги қиймати асосланиб, капсула ҳажми ҳисоблаб чиқилди капсулалар сифати ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвал


Тавсия этилаётган капсулалар сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

№	Ўрганилган кўрсаткич	Олинган натижа
1.	Ташқи кўриниши	Қаттиқ желатин капсулалар, №4 ўлчамда, оқ рангда, оч сарикдан сарик рангли гранулалар билан тўлдирилган
2.	Ўртача оғирлик ва ундан четланиш	±5,4%
3.	Парчаланиши	10 мин
4.	Микробиологик тозаллиги	Мувофиқ
5.	Эрувчан-лиги	Метамизол натрий
		Дротаверин гидрохлорид
		Дифенгидрамин гидрохлорид
		98,7%
		99,1
		98,9


Диссертациянинг «Аналфенон» препаратларининг биофармацевтик самарадорлигини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар» номли тўртинчи бобида «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг биофармацевтик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилди. *in vitro* тадқиқотлари «Айланма кажава» асбобида олиб борилди. Неутрал муҳит сифатида тозаланган сув, кислотали муҳит сифатида - 0,1 Н хлорид кислотаси ва ишқорий муҳит сифатида - 0,1 Н натрий гидроксиди эритмаларидан фойдаланилди.

Экспериментал тадқиқотларда эритувчининг ҳажми стандарт - 1000 мл ва ҳарорат 37 °C деб белгиланди.


Олинган натижалардан кўришиб турибдики, биофаол модданинг «Аналфенон» таблеткаларидан кажаванинг турли айланиш тезлигида интенсив равишда чиқиши кузатилди. Таъкидлаш жоизки, кажаванинг айланиш тезлиги 100 ай/дақ тезликда, 45 минут ичида эритма муҳитига ўтган биофаол моддаларнинг концентрацияси 75% дан юқори бўлиб, ДФ XIII талабларига жавоб берди (4-расм).



Метамизол натрий




Дроптаверин гидрохлорид




Дифенгидрамин гидрохлорид


4-расм. «Аналфенон» таблеткалари таркибидан биофаол моддаларнинг ажралиб чиқиши тезлигига эритувчи муҳитнинг таъсирини ўрганиш натижалари



Метамизол натрий



Дроптаверина гидрохлорид



Дифенгидрамин гидрохлорид

5-расм. «Аналфенон» таблеткаларидан биофаол модданинг эритувчи муҳитга ажралиб чиқишига айланма кажава айланиш тезлигини таъсирини ўрганиш натижалари

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кейинги тадқиқотлар учун рН нинг таблеткаларни эриш тезлигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар асосида нейтрал муҳит - тозаланган сувдан ва кажаванинг айланиш тезлиги 100 ай/дақ фойдаланишни танлаб олдик. Таблеткалар куйидаги кажаванинг айланиш тезлигида эритилди: 50, 100, 150, 200 ай/дақ. (5-расм).

Тавсия этаётган «Аналфенон» таблеткасининг аналгетик ва антипиретик таъсирларини *in vivo* усулида оқ сичқонларда, оғирлиги 20-23 г бўлган 18 та ҳайвонларга ўрганилди (7-жадвал).

7-жадвал

Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткасининг аналгетик таъсирини ўрганиш натижалари

Сичқон оғирлиги, г.	Дори воситаси		Сирка кислота 0,75 %	Сирка кислота юборилгандан сўнг букилишлар сони	Таъсир кўрсаткичи, %
	мг/кг	мл			
Назорат гуруҳи + тозаланган сув					
21,8± 1,16	-	0,4	0,2	29,3 ±2,16	-
«Анальгин», «Борисов тиббий препаратлар корхонаси» ОАЖ, Беларусь					
21,8 ± 0,75	500	0,4	0,2	7,8 ± 1,8 p<0,05	66,9
Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткалари					
21,6 ± 1,0	500	0,44	0,2	7,5 ± 1,049 p<0,05	74,4

«Аналфенон» таблеткаларининг антипиретик таъсири 180-200 г оғирликдаги каламушларда ўрганилди. Тадқиқот натижалари пирогенални назорат гуруҳидаги каламушларга киритгандан сўнг, 60 дақиқадан сўнг тана ҳароратининг 39,2±0,14°C гача кўтарилиши кузатилди. «Аналфенон» препаратини қабул қилганидан кейин 60 дақиқадан сўнг тана ҳароратининг 38,13±0,2°C гача пасайиши кузатилди.

Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткасининг антипиретик таъсирини ўрганиш натижалари

Каламуш оғирлиги, г.	Доза мг/кг	Пирогенал юборилишигача бўлган ҳарорат t, °C	Пирогенал юборилгандан кейинги ҳарорат t, °C	Препарат юборилгандан кейинги ҳарорат t, °C
Назорат гуруҳи + тозаланган сув				
188 ± 4,5	-	37,8 ± 0,2	39,2 ± 0,14	39,2± 0,19
«Анальгин», «Борисов тиббий препаратлар корхонаси» ОАЖ, Беларусь				
189,5 ± 5,9	500	38 ± 0,18	39,3 ± 0,16 P>0,05	38,15± 0,1 P<0,05
Тавсия этилаётган «Аналфенон» таблеткалари				
191± 5,0	500	38 ± 0,2	39,4 ± 0,16 P>0,05	36,76± 0,2 P<0,05

Кейинги босқич тадқиқотларда «Аналфенон» капсуласи биосамарадорлигини худди таблеткаларнинг биофармацевтик хоссаларини ўрганиш каби ўтказилди (9-жадвал).

9-жадвал

«Аналфенон» капсулалари таркибидан биофаол моддаларнинг ажралиб чиқиши тезлигига эритувчи муҳитнинг таъсирини ўрганиш натижалари

Тавсия этилаётган капсуланинг таъсир этувчи ингредиентлари	Ўрганилган муҳитлар, рН								
	М _{нейтраль}			М _{кислотали}			М _{ишқорий}		
	Вақт, дақиқа								
	15	30	45	15	30	45	15	30	45
	Концентрация, %								
а) метамизол натрий	28	67	84	5	11	14	8	10	11
б) дротаверин гидрохлорид	23	65	86	14	21	35	9	15	23
в) дифенгидрамин	21	55	84	19	32	44	21	29	31

Олинган натижалар «Аналфенон» капсулалари таркибидаги биофаол моддаларнинг эритувчи муҳитга ажралиб чиқиши қўйидагича намоён бўлди: сувли муҳитда олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг 15, 30 ва 45 дақиқаларида мос равишда метамизол натрий сувли муҳитга 28%, 67% ва 84% ажралиб чиқди. Дротаверин гидрохлориди сувли муҳитда 23%, 65% ва 86% эритувчи муҳитга ажралиб чиқди. Дифенгидраминнинг сувли муҳитда эрувчанлиги мос равишда 21%, 55% ва 84% ни ташкил этди. Кислотали муҳитда бу кўрсаткичлар мос равишда 45 дақиқада 14-%, 35% ва 44% ни ташкил этган бўлса, худди шу дақиқада ишқорий муҳитда бу кўрсаткичлар мос равишда 11%, 23% ва 31% ни ташкил этди.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида кейинги тадқиқотлар «айланма кажава» нинг айланиш тезлиги 50, 100, 150, 200 ай/дақ. лардаги шароитда олиб борилди (10-жадвал).

«Айланма кажава» айланиш тезлиги ошиб бориши биофаол моддаларнинг капсула таркибидан интенсив эришини таъминлагани кузатилди, шунингдек, олинган натижалар «айланма кажава» айланиш тезлиги 50 ай/дақ бўлганда, 15, 30, 45 дақиқада капсула таркибидаги метамизол натрийнинг эритувчи муҳитга ажралиб чиқиш тезлиги мос равишда 28%, 62%, 73% фоизни ташкил этди. Дротаверин гидрохлоридининг эритувчи муҳитга ажралиб чиқиш тезлиги мос равишда 22%, 68%, 74% фоизни ташкил этган бўлса, дифенгидрамин мос равишда 25%, 70%, 78% фоиз натижаларни кўрсатди. Айланиш тезлиги 100 ай/дақиқага ва янада юқори кўтарилганда, 45 дақиқада бу кўрсаткичлар мос равишда 78%, 84%, 89% ташкил этди. Шу сабабли кейинги тадқиқотларга кажава айланиш тезлиги 100 ай/дақ. муайян деб топилди.

«Аналфенон» капсулалариданбиофаол модданинг эритувчи мухитга ажралиб чиқишига айланма кажава айланиш тезлигини таъсирини ўрганиш натижалари

Тавсия этаётган капсуланинг таъсир этувчи ингредиентлари	Айланма кажава тезлиги, ай/дақ.											
	T ₅₀			T ₁₀₀			T ₁₅₀			T ₂₀₀		
	Вақт, дақиқа											
	15	30	45	15	30	45	15	30	45	15	30	45
	Концентрация, %											
а)метамизол натрий	28	62	73	55	64	78	57	68	85	63	67	91
б)дротверин гидрохлорид	22	68	74	58	69	84	63	73	89	66	74	89
в)дифенгидрамин	25	70	78	61	73	89	68	77	92	69	79	95

Диссертациянинг «Аналфенон» препаратларининг сақлаш шароити ва турғунлигини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар» деб номланган бешинчи боби тавсия этилаётган дори турларининг яроқлилик муддатини аниқлашга қаратилди. Экспериментлар ТС-80-МУ42 маркали термостатда 60°C ҳароратда вақтинча И-42-2-82 ёриқномасига биноан «тезлаштирилган эскиртириш» ва табиий усулларда хона ҳароратида (20±2°C) сақлаб ўрганилди. Сифат кўрсаткичлари ва миқдорий тавсифларнинг доимийлигини аниқлаш меъёрий-техник ҳужжатлар ва XIII ДФ да келтирилган усулларга мувофиқ амалга оширилди. Шундай қилиб, тавсия этилаётган технология ва таркиб билан олинган «Аналфенон» таблеткалари ва капсулаларининг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини ўрганилди ва сақланиш муддатлари таклиф этилаётган қадоқ идишларида 3 йил деб белгиланди.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтик бозорини таҳлили комбинирланган аналгетик-антипиретик препаратлар асосан хорижий давлатлардан келтирилишини кўрсатди; яъни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилишининг долзарблилиги белгиланди.

2. Дастлабки хом ашёларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилиш асосида комплекс оғриқ қолдирувчи таъсирга эга «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг илмий асосланган муқобил таркиби ва технологияси таклиф этилди.

3. «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлашда қониқарли натижалар олинди ва амалдаги меъёрий ҳужжат талабалрига мос келиши белгиланди.

4. «Аналфенон» таблетка ва капсулаларининг биофармацевтик хоссалари *in vitro* ва *in vivo* усулида ўрганилиб, уларнинг биосамарадор эканлиги исботланди. Ушбу препаратлар учун «Айланма кажава» тезлиги

дақиқасига 100 ай/дақ., эритувчи муҳит сифатида нейтрал муҳит ва унинг ҳажми 1000 мл деб белгиланди.

5. «Аналфенон» таблеткалари ва капсулаларининг турғунлиги ва сақланиш шароити ўрганилиб, яроқлилик муддатини таклиф этилаётган қадоқ идишларида ҳар иккала препарат учун 3 йил деб белгиланди.

6. «Аналфенон» таблеткалари учун меъёрий ҳужжатлар мажмуаси яратилиб, ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тиббиёт амалиётида қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАВШАНОВА СЕВАРА ЭРГАШЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ТАБЛЕТОК И КАПСУЛ
«АНАЛФЕНОН»**

15.00.01 - технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/Far46.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Юнусова Халида Маннановна
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: Искандарова Шохиста Фехрузовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Халилов Равшанжон Муратджанович
доктор технических наук

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «5» 05 2021 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04 / 30.12.2019. Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 17). (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Автореферат диссертации разослан «15» 04 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 17 от «15» 04 2021 г.).



К.С.Ризаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н.

Ё.С.Кариева
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Ф.Ф.Урманова
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно отчету Международной ассоциации по изучению боли, в 2019 году анальгетики были не только самыми продаваемыми на мировом фармацевтическом рынке, но и лекарствами, которые имеют разные механизмы действия для одновременного снятия боли. Поэтому важно проводить исследования по производству комбинированных препаратов, содержащих анальгетические активные вещества с разными механизмами действия на местных фармацевтических компаниях.

В настоящее время во всем мире большое внимание уделяется исследованиям, направленным на создание различных агрегатных видов лекарств, уменьшение их побочных эффектов, повышение их биологической эффективности за счет комбинации. В связи с этим одним из перспективных направлений исследований является определение фармакологической совместимости анальгетико-антипиретических, спазмолитических и антигистаминных препаратов, изучение вопросов синергизма при их включении в единое лекарственное средство, определение влияния фармацевтических факторов на биодоступность препарата.

Сегодня в Республике принимаются меры по оказанию населению качественной фармацевтической помощи в соответствии с международными стандартами, по расширению номенклатуры лекарственных средств как по фармакологическим группам, так и по лекарственным формам, по обеспечению высокобиологическими, безопасными лекарствами. В четвертой главе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан определены необходимые задачи по «дальнейшему ускоренному развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, эффективными и высококачественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения...»¹. В связи с этим одним из приоритетов является создание качественной фармакологической технологии лекарственного средства, снимающего боль при различных патологиях, с демонстрацией набора вспомогательных веществ, обеспечивающих комбинированное действие активных веществ в различных комбинациях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г. № ПП-3532 «О мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и от 23 января 2018 г. Постановления № ПП-3489 «О мерах по дальнейшему регулированию производства и импорта лекарственных средств и медицинских устройств», а также Постановления № УП-5707 от 10 апреля 2019 г. «О мерах по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию фармацевтической отрасли республики в 2019-2021 гг.» и нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В результате научно-методического анализа литературы по развитию и совершенствованию таблеточной технологии важны исследования узбекских ученых, таких как С.М. Махкамов, М.Ю. Усуббаев, У.М. Азизов, Х.К. Джалилов, З.А. Назарова, Х.М. Юнусова, Ё.С. Кариева.

Исследование фармакотехнологических аспектов дженериковых лекарственных средств с обезболивающим и жаропонижающим действием, а также разработка и совершенствование технологий во всем мире были проведены следующими ведущими учеными мира: М.С.Солтанов, Г.Ф.Гибхарт, Р.Д.Триде, Дж.Воника, А.Кармон, У.Швайгер, Р.Хеннингсен, Н.В.Иванова, А.Л.Марченко, А.Ю.Васильев, Г.П.Вдовина, Т.В.Орлова, И.В.Стасева, И.В.Маев.

Данная диссертация является первым научным исследованием комбинации действующих веществ, относящихся к фармакотерапевтической группе анальгетик-антипиретических, спазмолитических и антигистаминных средств в форме твердого препарата, а также локализации производства этой композиции.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института на тему №2. «Разработка новых усовершенствованных технологий генерических лекарственных средств, внедренных в практику».

Целью исследования является разработка состава и технологии таблетированных и капсулированных лекарственных препаратов на основе комбинации метамизола натрия, дротаверина гидрохлорида и дифенгидрамина гидрохлорида.

Задачи исследования:

анализ состояния на местном фармацевтическом рынке анальгетиков-жаропонижающих средств и на его основе создание эффективных препаратов путем выбора объекта;

